

“ТАСДИҚЛАНГАН”
“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ
акциядорлари умумий йиғилишининг
2017 йил 31 январдаги қарори билан
(2017 йил 06 февралдаги
AC-1/2017-сон баённома)

“ASIA ALLIANCE BANK” АТБНИНГ
2017-2020 ЙИЛЛАР УЧУН ЎРТАЧА МУДДАТЛИ
ИСТИҚБОЛДА РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ

Банкнинг ўртача муддатли истиқболдаги стратегик мақсади – банк фаолиятини янада ривожлантириш ва таъминлаш учун унинг салоҳиятидан тўлиқроқ ва самаралироқ фойдаланишни амалга ошириш орқали банкнинг инвестициялаш жозибадорлиги ва акциядорлик қиймати ўсишини таъминлаш.

Слоган: ASIA ALLIANCE BANK – Сизнинг янги имкониятларингиз.

Вазифаси: Ўзбекистонда юқори бозор мавқеларига ва молиявий барқарорликка эга энг яхши тижорат банкига айланиш. Банк ўз мижозларига бутун банк хизматлари турларини таклиф қилиб ва банкнинг хизмат кўрсатиш юқори стандартларига амал қилиб, ўз ривожланиши билан мижозлари фаровонлигини оширишга кўмаклашади, бу орқали мамлакатимиз иқтисодий ривожига ўз хиссасини кўшади.

Корпоратив мақсадлари: Яратиш. Янгиликларни татбиқ қилиш. Ишонч ва адолатлилик. Банк мижоз учун. Жамоавий иш. Ватанпарварлик.

Стратегиянинг асосий йўналишлари:

- 1. Бозорнинг асосий сегментларида банкнинг рақобат мавқеларини янада мустаҳкамлаш:** активлар, кредит портфели ва депозит базаси, капиталлаштириш, инвестиция портфели ҳажми бўйича бозор улушини ошириш;
- 2. Иқтисодиётни замонавийлаштириш, техник ва технологик жиҳатдан қайта таъминлаш соҳасида инвестция фаоллигини ва молиялаш ҳажмларини ошириш, шунингдек кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашда фаол иштирок қилиш:** банк тузилишини такомиллаштириш, таркибий бўлинмаларнинг кредитлаш соҳасидаги фаолиятини ташкил қилиш ва самарадорлигини ошириш тизимини такомиллаштириш, кадрлар салоҳиятини кучайтириш. Кичик бизнес ва чакана кредитлар улуши оширилган ҳолда кредит портфелини диверсификация қилиш. Рақобатбардошликни ошириш мақсадида мақсадли сегментлар учун маҳсулот ишлаб чиқарилишини дифференциациялаш. Таваккалчиликларни бошқариш, кредит тарихи институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш ва илғор скоринг моделларини татбиқ қилишнинг замонавий усуллари асосида лойиҳаларни баҳолаш ва мониторинг қилиш соҳасидаги ишларни такомиллаштириш орқали кредит портфели юқори сифатини таъминлаш;
- 3. Корпоратив бизнесни ривожлантириш:** банк операциялари рентабеллигини етарли даражада сақлаган ҳолда мижозларга сифатли, ўз вақтида хизмат кўрсатилишини таъминлаш имконини берадиган мижозга йўналтирилган бизнес моделини татбиқ қилиш. Банк учун устувор иқтисодиёт секторларига ажратилган мижозларнинг мақсадли тоифаларига ҳамда улар билан мажмуи хизмат кўрсатиш тамоили асосида узоқ муддатли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга ва мижоз менежерлари тизимини ривожлантиришга дикқат-эътиборни жамлаш;
- 4. Чакана бизнесни ривожлантириш:** аҳолига айрим банк маҳсулотлари ва хизматларини таклиф қилишдан молия хизматлари соҳасидаги аксарият эҳтиёжларини қондириш ва операциялар катта қисмiga хизмат кўрсатиш имконини берадиган мижозлар билан ўзаро ҳамкорликнинг мажмуи моделини шакллантиришга ўтиш. Маҳсулотлар расталарини ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш барча каналларини ривожлантириш – мижозларга хизмат кўрсатишнинг тўлиқ функционал ва кўп каналли тизимини шакллантириш ва кросс-сотуввлар ҳисобига транзакция бизнесини янада ривожлантириш,

маҳсулотга таклифларни ва операциялар аксарият қисмини автоматлаштирилган савдо-сотиклар ва хизмат кўрсатиш каналларини кенгайтириш;

5. Банкнинг операцион модели самарадорлигини ошириш: банк бошқарув тизимини, бизнес-жараёнлар автоматлаштирилиши ва оптималлаштирилишини, банк маҳсулотлари стандартлаштирилишини такомиллаштириш, шунингдек меҳнат унумдорлигини ошириш;

6. Банкнинг мавжуд ахборот технологиялари инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш: истиқболли инновация технологияларини янада ривожлантириш ва жорий қилиш, телекоммуникация инфратузилмасини ва техник воситалар мажмуналарини такомиллаштириш, савдо-сотикларнинг электрон каналларини ривожлантириш;

7. Халқаро молия институтлари ва хорижий банклар билан ҳамкорликни кенгайтириш: корреспондентлар тармоқларини ривожлантириш ва кредит линияларини (АБР, ИБР, ИКРЧС) жалб қилиш ва ўзлаштириш, савдони молиялаш соҳасидаги операция ҳажмини ошириш. Банкларнинг халқаро рейтинги ва нуфузини яхшилаш соҳасидаги ишларни амалга ошириш, банкнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш ва стратегик инвесторни жалб қилиш;

8. Корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш: Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини татбиқ қилиш, банк тимсолини энг ишончли, кенг имкониятли ва технологик молия муассасаси сифатида шакллантириш ва мустаҳкамлаш орқали банк нуфузи ва шаффофлиги оширилишини назарда тутадиган янада самарали ахборот сиёсатини олиб бориш;

9. Бизнесга замонавий интеграллашган таваккалчилик-менежмент жараёнлари асосида таваккалчиликларни бошқариш тизимини ривожлантириш;

10. Кучли кадрлар сиёсатини татбиқ қилиш ва амалга ошириш: инсон ресурсларини замонавий бошқариш, шу жумладан ўқиши, хизмат мартабалари ошиши, ривожланиш ва мустақил равишда такомиллашиш тизимини яратиш.